

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

# АҲД

**Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхоз чорвадорлари мамлакатимиз Озиқ-овқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшишга интилиб, қишловни чорва молларга бир ярим йиллик озуқа тайёрлаш билан кутиб олмоқдалар. Фақат жамғарилган пичан ва сомоннинг ўзи 26 минг тоннани ташкил этади.**

**Хўжалик асосан қоракўлчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, яйлов отарларида 30 мингдан зиёд қўй намунали парвариш қилинаётир. Уларнинг ярми она қўйлардан иборат. Шунингдек, совхоз фермаларида 4 минг қорамол (шундан 900 таси соғин сигирлар) тўйимли озуқалар билан боқилаётир.**

**Совхоз чорвадорлари юбилей йилида алоҳида жонбозлик кўрсатиб ишлаб, давлатга гўшт, қоракўл тери топшириш планларини муддатидан анча барвақт бажаришга эришдилар. Давлатга 520 тонна юқори сифатли гўшт ва салкам 10 минг дона қоракўл тери етказиб берилди. Сут топшириш плани эса бажарилиш арафасида. Районда илғор хўжаликлардан бири ҳисобланган совхоз чорвадорлари юбилей йилида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришга аҳд қилишган.**

**Суратда: (чапдан) йиллик планларини муддатидан илгари бажарган илғор сут соғувчилардан Салима Умарова, Гулбаҳор Поёнова ва Саида Бобоёровалар.**

**Р. Нуриддинов ва Ш. Шаропов (ЎзТАГ) фотоси.**

# Пиржон СЕИТОВ

1932 йилдан КПСС аъзоси Пиржон Сеитов шу йил 29 ноябрда 76 ёшида тўсатдан вафот этди. Ажойиб инсон, партия ва халқ ишига чексиз садоқатли коммунист ҳаётдан кўз юмди.

Пиржон Сеитов 1909 йилда Қорақалпоғистон АССР, Хўжайли районида батрак оиласида туғилди. У меҳнат фаолиятини 1922 йилда бойга ёлланма ишчи сифатида бошлади. 1931 йилда Тўрткўлдаги пахтачилик техникумини битиргач, автоном республиканинг қишлоқ хўжалик органларида хизмат қилди. 1934 йилдан бошлаб раҳбар партия ва совет ишларида бўлди. Хўжайли район ижроия комитетининг раиси, Қорақалпоғистон АССРнинг Ўзбекистон ССР ҳукумати ҳузуридаги доимий вакили, автоном республика деҳқончилик халқ комиссари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари лавозимларида ишлади. Пиржон Сеитов пенсияга чиққандан сўнг умрининг охиригача автоном



республиканинг сув хўжалиги органларида фаол хизмат қилди.

Пиржон Сеитов ўзи ишлаган барча партия, давлат ва хўжалик лавозимларида ўзини принципиал коммунист, омманинг моҳир ташкилотчиси сифатида кўрсатди. Қорақалпоғистон АССР халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Пиржон Сеитов КПСС XX съездига, Ўзбекистон Компартиясининг X, XII, XIII, XV съездларига, бир қанча чақириқ СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советлари ва Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутатлигига сайланган эди.

Пиржон Сеитов Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун иккита Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги орденлари, учта «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар билан мукофотланган эди. Унга «Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони берилган эди.

Коммунистик партиянинг содиқ ўғли бўлган Пиржон Сеитовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

**И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, К. С. Саликов, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, В. А. Хайдуров, А. И. Балакин, К. Дўсимбетова, М. Е. Лунев, К. М. Маткаримов, К. Р. Рзаев, К. Р. Режапов, Г. Н. Самарин, А. А. Юриц, М. Ж. Юсупов, К. Е. Юсупов, Т. А. Ешимбетова, М. Кинбоев, Л. Т. Куценко.**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ (1984 йил) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

# ДЕҲҚОН ИЗМИДАГИ РЕЗЕРВЛАР

*Олтиариқ районидаги «Ленинизм» колхозининг ерларни мелиорациялаш ва ҳосилдорликни ошириш тажрибасидан*

Бу колхознинг яқин ўтмишдаги аҳволига кўз ташлайлик. Йиллик пахта тайёрлаш планлари сурункасига бажарилмади. Шартномада кўрсатилган 12 хил маҳсулотдан 9 турида план адо этилмади. Кўзда тутилган даромаднинг 80 проценти ҳам олинмади. Рентабеллик атиги 3,7 процентни ташкил этди. Шундай бўлгач, пландан ташқари маҳсулот топширгани учун олинадиган устама мукофот ҳақида гапирилмаса ҳам бўлади. Хуллас, хўжаликнинг экономикаси ночор аҳволга тушиб қолди.

Бунинг сабаблари нимада? Масала район партия комитетининг бюросида муҳокама қилинган пайтда турлича фикрлар билдирилди. Жумладан, колхоз раҳбарлари яхши ташкилотчилик қила олмаяпти. Агротехника қоидалари қўпол равишда бузиляпти, чигит оптимал муддатдан бир ҳафта кеч экиляпти. Гектарларнинг тўла, ниҳоллар сонининг бут бўлишига эътибор берилмаётир. Меҳнат интизоми мустаҳкамланган эмас. Пахта йиғим-терими чўзиб юборилади. Қолоқликка яна бир қанча факторлар сабаб қилиб кўрсатилди. Буларнинг ҳаммаси тўғри бўлиб, муболағага ўрин берилмаган эди. Бюро тилга олинган барча фактлар бўйича зарур чора-тадбирлар белгилади.

Бюрода яна бир савол туғилди: **хўжаликда ерларнинг мелиоратив ҳолати қандай?** Бу саволнинг ўртага ташланиши бежиз эмас эди. Ахир, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг юқори бўлиши кўп жиҳатдан ерларнинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ-ку! Зовурлар, коллекторлар вақтида чуқурлаштирилиб, сизот сув қочирилса, зах сувнинг юқори қатламга кўтарилишига йўл қўйилмаса, тупроқ шўрланишининг олди олинса, шўр пайдо бўлган жойларда у йўқотилса, бегона ўтлар иложи борича камайтирилса пахта эртаги бўлади, ҳосилдорлик кескин кўтарилади.

Мелиорация тадбирлари шуларгина эмас. Уруғ қадашдан олдин ерларни кафтдек текислаш керак. Ўшандай ерда сув равон оқади, қатламни захлатмайди. Сув режимига риоя қилиш зарур. Нормадан кам берилган сув ҳосилдорликка салбий таъсир қилганидек, устма-уст суғориш ҳам тупроқ тузилишини бузади. Ёғингарчиликлар туфайли пайдо бўлган қатқалоқ ғўзанинг душманидир. Қатқалоқ босган карталарда қуйи қатламга ҳаво, қуёш нури, иссиқлик яхши сингмайди. Ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши, ҳосил нишоналарини тўплаши ва етилтириши кечикади. Пахтанинг сорти пасайиб кетади.

Бир сўз билан айтганда, колхоз ерларининг ҳолатини кескин яхшилаш лозим. Бунинг учун мелиорациянинг барча тадбирларини энг яхши агротехника муддатларида сифатли қилиб амалга ошириш талаб этилади. Бу борада ирригаторлар ва мелиораторлар хўжаликка амалий ёрдамни кучайтиришлари шарт.

Колхозчи деҳқонлар Марказий Фарғонадан 270 гектар янги ер очиб, хайрли ишга қўл урдилар. Бироқ ўша ерларда мелиорация тадбирларини тўла амалга оширмай туриб, пахтадан кутилганча хирмон кўтариш амримаҳол! Бу ерда қазиладиган зовурлар, коллекторлар келажак истиқболга эга бўлмоғи зарур. Чунки, бундан кейин ҳам янги ерлар ўзлаштириш, пахта майдонларини кенгайтириш жадал суръатлар билан олиб борилади.

Район партия комитетининг бюроси муҳокама этилган масала бўйича қарор қабул қилди, унинг ижро этилишини таъминлашга масъул кишилар тайинлади. Шу бўлди-ю, колхозда **мелиорация ишларини изчиллик билан амалга ошириш биринчи даражали аҳамият касб этди.** Ер қазиш, тупроқ суриш, текислаш механизм-агрегатлари, ишчи кучлари сафарбар этилиб, узоқ масофага чўзилган зовурлар чуқур қазилди, сизот сувни ўтказиш қобилияти икки баравардан зиёдроқ оширилди. Зарур топилган жойларга дамбалар ўрнатилди, лабгардонлар қурилди. Фақат катта зовурларгина эмас, пахта ва бошқа экинзорлар атрофидан ўтган майда зовурлар ҳам тартибга келтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, зах сув тез пасайиб, кераксиз жойларга оқа бошлагач, тупроқнинг шўрланиши ҳам кескин камайди. Мана шу икки омил — **сизот сув ва шўрланиш камайиши натижасида ҳар гектар пахтазорда қўшимча 25—30 минг туп ғўза ниҳоли ўстириш имконияти туғилди.** Ҳамма майдонларда қатқалоқ пайдо бўлишига йўл қўйилмади. Бу эса ўсимликнинг ёруғлик, қуёш нури ва иссиқликдан тўла баҳраманд бўлишини, кўп ва эртаги ҳосил тўплашини таъминлади. Лўнда қилиб айтганда, колхоз меҳнат аҳли мелиорация тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб, қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан пахтадан юқори ҳосил етиштиришга эришди. Кўп йиллардан буён давом этиб келаётган қолоқлик доғини ювди. Буни 1984 йилнинг дастлабки якунларидан ҳам кўриш мумкин.

Колхоз йиллик пахта тайёрлаш планини ҳозиргача 113 процент бажарди. Ҳосилдорлик гектар бошига 33 центнерни ташкил этди. Давлат тайёрлов пунктига пландан ташқари 400 тоннадан зиёд дурдона топширилди. Маккажўхори дони 28 центнер, полиз маҳсулотлари 35 центнер кўтарилди. Ёки бошқача айтганда, шартномада белгиланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда давлатга сотиш планлари барча турлари, миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича муваффақиятли адо этилди.

Юқорида колхоз меҳнат аҳли Марказий Фарғона ерларидан 270 гектарини ўзлаштириб, пахта етиштираётгани айтиб ўтилди. Мақсудали Сайдалиев бошлиқ чўлқуварлар бригадаси ҳар гектар майдондан 26 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтардилар. Ҳосилдорлик бир йилда 9 центнер ошди. Пахтанинг деярли ҳаммаси «зангори кема»ларда саранжом-саришта олинди. Мелиорация ишлари вақтида сифатли қилиб амалга оширилиши туфайли бошқа бригадаларда ҳам ҳосилдорлик ўртача 5—6 центнер кўтарилди. Т. Баҳодиров бошлиқ бригада эса энг юқори кўрсаткичга эришди.

Ёки бошқа бир фактни кўздан кечирайлик. **Мелиорация ишлари яхшиланиши туфайли қадимги унумдорлиги паст ва захкаш ерларнинг ҳар гектаридан эндиликда 1000 центнердан лавлаги олинмоқда.** Маккажўхори, беда ҳосилдорлиги ҳам тобора ортиб бормоқда. Фермалардаги чорва моллари хўжаликнинг ўзида етиштирилаётган ем-хашак билан боқилмоқда. Шу сабабли маҳсулотлар таннархи арзонга тушиб, рентабеллик юқори бўлаётир. Районимиздаги бошқа хўжаликларда ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, шу асосда унумдорликни кўтаришга муваффақ бўлинмоқда.

Бироқ мелиорация ишларини бажаришда катта қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Зовурлар ва коллекторлар қазийдиган экскаваторлар етишмайди. Тупроқ сурадиган ва текислайдиган механизмларга бўлган талаб ҳам қондирилмаётир. Тўғри, республиканинг дахлдор ташкилотлари районимизга турли хил техника воситалари ажратади. Бу ҳақда бизга хабар ҳам қиладилар. Лекин ўша техника воситаларини вақтида ололмаймиз. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ирригация-мелиорация ишларини яхшилаш, сувдан фойдаланиш коэффициентини ошириш чораларини кўришда бизга амалий ёрдамлар беришини сўрар эдик.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко партия Марказий Комитетининг октябрь (1984 йил) Пленумида сўзлаган нутқида бундай деди: **«Биз кенг миқёсда мелиорация ўтказар эканмиз, бирон-бир тарзда табиатга дахл қиламиз. Жуда эҳтиёткорлик билан иш тутиш, ернинг қиёфасини ўзгартирганда унга зарар етказиш бир ёқда турсин, уни яхшилаш, унинг саховатини ошириш, табиатнинг имкониятларини кўпайтириш керак...»**

Районимиз меҳнаткашлари бу қимматли йўл-йўриқлардан ўзлари учун тегишли хулосалар чиқариб олдилар. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва бошқа агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб, бу йил пахтачилик ва бошқа соҳаларда эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришни ўзларининг муқаддас бурчи деб биладилар.

**А. МИНГБОЕВ,**
**Олтиариқ район партия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири.**

*Сўз — мусобақа ғолибларига*

# ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

**Колхозимиз шу йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра чорвачиликни ривожлантириш бўйича социалистик мусобақа ғолиби деб топилди. Унга республика партия ва ҳукуматининг кўчма Қизил байроғи берилди. Бу қувончли воқеа кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш учун курашга илҳомлантирди.**

Юбилей йилида хўжалигимиз деҳқонлари, ва чорвадорлари, пахта, гўшт, сут ҳамда бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш мақсадида қилган меҳнати яхши самара берди. Пахтанинг ҳосили мўл бўлди. Уни йиғиб-териб олиш уюшқоқлик билан ўтказилди. Давлатга «оқ олтин» сотиш плани муддатидан олдин бажарилди.

Чорвадорларимиз ҳам ўз зиммаларига қабул қилган мажбуриятни тўла-тўкис адо этиш учун интилмоқдалар.

Буни қуйидаги мисолдан кўриш мумкин. Биз тўққиз ойда 429 тонна сут етиштиришимиз лозим эди. Амалда эса белгиланганидан 85 тонна кўп сут олинди. Давлатга пландагидан анча ортиқ сут сотилди. Бўрдоқибоқарларимиз ҳам яхши натижага эришдилар. Улар шу давр мобайнида пландаги 81,5 тонна ўрнига 118,3 тонна гўшт етиштиришга, ва планни бирмунча ошириб адо этишга муваффақ бўлдилар. Тухум етиштиришни кўпайтиришда эришилган самара ҳам қувончли бўлди. Бу борадаги белгиланган план бир ярим баравар ошириб бажарилди.

Тармоқни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилгани, ҳар бир сигир соғувчи, молбоқар ва товуқбоқар ўз зиммасига олган мажбуриятини тўла ҳамда ошириб бажариш учун интилаётгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Масалан, мен боқимимдаги ўн олти бош сигирдан бу йил тўрт минг килограммдан сут соғиш ҳақида сўз берганман. Ўтган тўққиз ойда ҳар бир сигирдан 3722 килограммдан сут соғиб олдим. Ҳамкасбларим Хайрия Аббосова, Холча Мадумарова, Моҳира Ҳидироваларнинг кўрсаткичи ҳам яхши бўлди.

Моллар туёғини ўстириш, маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим шарти бўлган озуқа базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Бу йил 125 гектар майдондаги беда олти марта ўрилди. Молларга кўкат озуқа сифатида едирилганидан ташқари, кўп миқдорда беда пичани, сенаж жамғарилди. 1300 тоннадан ортиқ силос бостирилди. Омихта ем, ўт талқони ҳам етарлича ғамлаб қўйилди.

Беда ва маккажўхоридан ташқари, хашаки лавлаги ва оралиқ экинлар экилиб, улардан ҳам яхшигина ҳосил олиняпти.

Эндиликда пахтачилик билан бир қаторда, чорвачилик ҳам рентабелли тармоққа айланди. Унинг мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтирилганлиги, молларнинг маҳсулдорлиги кўтарилганлиги туфайли етиштирилаётган маҳсулотнинг таннархи арзонга тушмоқда, тармоқдан иқтисодий фойда кўрилмоқда. Колхозимиз бу борада ҳам юксалиш йўлига тушиб олди.

**Ҳ. ИДРИСОВА,**
**Пискент районидаги Калинин номли колхоз сигир соғувчиси.**

## ИККИ ЙИЛЛИК ОЗУҚА

**● ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА. Зарбдор районидаги «Ленин йўли» совхозида янги ферма қуриб битказилди.**

**Бу ерда 200 бош қорамол боқилади. Хўжаликда ем-хашак олдиндан ғамлаб қўйилди. Озуқанинг икки йиллик запаси тайёрланди. Ю. Қурбонов номли, «Андижон» совхозларида битай деб қолган янги сут-товар фермалари тез орада ишга туширилади. (ЎзТАГ).**

# Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

## ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Торонтода тинчлик тарафдорларининг «Тинчлик ва қуролсизланиш масалаларига бағишланган мулоқот» деб аталган халқаро учрашуви бўлиб ўтди. Канада тинчликни ҳимоя қилиш конгрессининг ташаббуси билан чақирилган бу анжуманда Вьетнам, ГДР, Ҳиндистон, Канада, Куба, Никарагуа, СССР, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг 300 дан кўпроқ таниқли жамоат ва дин арбоби, олимлари, шунингдек Жаҳон Тинчлик Кенгаши бюросининг аъзолари ва БМТ вакиллари қатнашдилар.

Канада тинчликни ҳимоя қилиш конгрессининг президенти, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг вице-президенти, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Жон Морган уруш ва тинчликка, ядро уруши хавфини тугатиш мақсадида барча тинчликсевар кучларнинг бирлигини мустаҳкамлашга оид энг муҳим масалалар юзасидан турли давлатлар жамоатчилиги намояндалари ўртасида бафуржа фикрлашишнинг муҳимлигини таъкидлади.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президенти Ромеш Чандра мулоқот қатнашчиларини табриклаб, ядро уруши хавфига, империалистларнинг интервенция ва агрессия сиёсатига қарши биргаликда курашишга чақирди.

Анжуманда сўзга чиққан нотиқлар империализмнинг агрессив муддаоларини, АҚШ ва НАТОдаги бошқа мамлакатлар оммавий қирғин қуролининг янги турларини зўр бериб кўпайтираётганликларини, Вашингтоннинг космосни ҳарбийлаштиришга эришишдан иборат телбанамо режаларини қаттиқ қораладилар. Улар ядро уруши хавфи кучайганлиги сабабли ҳозирги замоннинг энг муҳим вазифасини ҳал этиш — ядровий фалокатнинг олдини олиш мақсадида барча тинчликсевар кучларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш йўлларини қидиришни зарур қилиб қўйди, деб таъкидладилар.

(ТАСС).

## ҒАЛАБА ШАРАФИГА

ВЕНА. Қаршилик курашчилари халқаро федерацияси (ФИР) бу ерда баёнот эълон қилиб, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг ва Европа халқлари озод этилганлигининг 40 йиллигига бағишлаб халқаро илмий конференция ўтказилсин, деган фикрни билдирди. Баёнотда айтилишича, конференциянинг кун тартибига халқларнинг нацист агрессорларга қарши курашини ифодаловчи, ҳарбий жиноятларни ва инсониятга қарши жиноятларни фош этувчи, асосий ҳарбий жиноятчиларни ва нацист ташкилотларни ҳукм этган Нюрнбергдаги халқаро трибуналнинг аҳамиятини кўрсатувчи ва бошқа масалалар киритилиши керак.

(ТАСС).

## ДАНИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

КОПЕНГАГЕН. (ТАСС). Бу ерда Дания Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленум партия ички ва ташқи сиёсати масалаларини, мамлакатдаги аҳволни кўриб чиқди, шунингдек коммунистларнинг мамлакат Европа иқтисодий ҳамжамиятидан чиқиши учун кураш билан боғлиқ вазифаларини муҳокама қилди.

Пленум буржуа ҳукуматининг иқтисодий танглик чуқурлашишига ва йирик капитал позициялари кучайишига олиб келаётган сиёсатига қарши курашишга даъват этди. Пленум ҳужжатларида Дания Европа иқтисодий ҳамжамиятидан чиқиши учун олиб борилаётган курашда «Умумий бозор»нинг ҳарбий ва сиёсий интеграциясига қарши курашда мамлакат прогрессив ва демократик кучлари бирлигини мустаҳкамлаш зарурлиги уқтириб ўтилади. Ҳужжатларда мамлакат парламенти ҳамжамият базасида Европа сиёсий иттифоқини тузиш ва унга миллий масалаларни ҳал этиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги музокараларда Даниянинг иштирок этишига қарши таъсирчан чоралар кўришга даъват этилади.

## ЧИЛИ: ХАЛҚ ОВОЗИНИ БЎҒИБ БЎЛМАЙДИ

БУЭНОС-АЙРЕС. (ТАСС). Чилида Пиночет ҳарбий фашист диктатурасига қарши навбатдаги миллий норозилик куни ўтказилмоқда. Қамал ҳолатига қарамай бутун мамлакатда диктаторлик режимига қарши, демократия, дарҳол қайта тикланиши учун кураш шиорлари остида оммавий митинглар ва намойишлар ўтказилмоқда.

Яқинда сўл кучлар иттифоқи — халқ демократик ҳаракати Чили демократларини диктатурага қарши ягона фронт бўлиб курашишга даъват этди. Маълумки, иттифоққа коммунистлар, социалистлар, бошқа ташкилотларнинг вакиллари уюшган. Халқ демократик ҳаракати эълон қилган баёнотда ҳозирги шароитда курашга отланган халқни ҳеч қандай жабр-зулм билан бостириш мумкин эмаслиги таъкидланади. Масалан, 30 октябрда ўтказилган умуммиллий забастовканинг муваффақияти шундан далолат беради. Чили халқи таъқиб этишларга чек қўйилишини, демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар қайта тикланишини, қашшоқлик ва ишсизлик тугатилишини талаб қилади. Халқнинг бирлиги репрессиялар авж олдирилишига жавоб бўлиши зарур, деб таъкидланади халқ демократик иттифоқининг баёнотида.

## ХАБАРЛАР ОҚИМИ

● КОБУЛ. Демократик Афғонистонда ер-сувислоҳотини амалга ошириш давом этмоқда. Бахтар агентлигининг хабар қилишича деҳқонларнинг яна 520 оиласи Жузжон вилоятида давлатдан текин ер олди. Апрель революцияси, деди шу муносабат билан бу ерда бўлиб ўтган оммавий митингда Мардиан қишлоғининг деҳқони Саид Амир, — давлат бизга бераётган ердир, бу — биз илгари маҳрум бўлган саводдир, бу — оталаримиз хаёлига ҳам келмаган эркинликдир. Шу боисдан биз ўз еримизни ва бахтимизни, ўз революциямизни ҳимоя қилиш учун кучимизни аямаймиз, деб таъкидлади Саид Амир.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон пойтахтидаги Совет фани, маданияти ва санъати уйида ишлаб турган классик балет мактаби машҳур совет балеринаси Анна Павлова номига қўйилди. Бўлиб ўтган тантанали кечада мактаб ўқувчилари махсус программани кўрсатдилар. Бу программада намунали дарс ва рақс номери киритилган эди. СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотларининг лауреати профессор О. В. Лепешинская ёш балериналарни самимий табриклади.

● АНҚАРА. Туркия пойтахти яқинидаги «Тесташ» давлат электротехника корхонасида забастовка бошланди. «Оздемир-иш» металлистлар касаба союзига кирувчи ана шу корхона ишчилари дирекциянинг бебошлигига қарши норозилик билдирмоқдалар. Дирекция меҳнат ҳақида янги битим тузишдан узоқ вақтдан буён бош тортиб келмоқда. Касаба союз раиси Мехмет Араснинг айтишича, пулнинг қадрсизланиши ва нарх-навонинг ўсишини ҳисобга олиб, иш ҳақининг оширилишини маъмуриятдан икки йилдан буён талаб қилмоқдалар. Тармоқдаги бир қанча бошқа касаба союзлари ҳам «Тесташ» корхонаси 500 ишчисининг адолатли талабини қўллаб-қувватламоқда.

● ЖАЗОИР. Бу ерга келган СССР соғлиқни сақлаш министри С. П. Буренков билан ЖХДР соғлиқни сақлаш министри Жамолиддин Хуху икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида тузилган протоколни имзоладилар. Ҳужжатда, жумладан, эпидемиология ва бактериология соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш кўзда тутилади. Совет томони жазоирлик кадрларни тайёрлашда бундан буён ҳам ёрдам беради, Совет Иттифоқининг юксак малакали мутахассислари ЖХДРнинг медицина муассасаларига юбориб турилади.

● РАБОТ. Шаҳар ва қишлоқда ишсизлик, меҳнаткашлар турмуш даражасининг пастлиги — Марокаш жамиятининг характерли хусусиятларидир. Мамлакатда янгидан янги корхоналар ёпиб қўйилмоқда. Меҳнаткашларнинг кўплаб ишдан бўшатилаётганлиги, тўла бўлмаган иш куни режимининг жорий этилаётганлиги, бунинг устига меҳнаткаш халқ олаётган арзимаган иш ҳақининг янада камайтирилаётганлиги — ҳамма жойда оддий воқеа бўлиб қолди. Қишлоқда феодал муносабатларининг сақланганлиги, кўп йилдан буён давом этаётган қурғоқчилик кўп минглаб ерсиз ва кам ер деҳқонларни қадрдон жойларини ташлаб кетишга мажбур этмоқда. Улар ишсизлар армиясига ва Марокаш шаҳарлари атрофидаги кулбалардан иборат посёлкаларнинг аҳолисига бориб қўшилмоқдалар.

● ТУНИС. СССР билан Тунис ўртасидаги маданий ҳамкорлик программасига мувофиқ, бу ерда «Совет — Тунис» дўстлиги кунлари муваффақиятли ўтди. «Дўстлик кунлари» доирасида пойтахтда ва Туниснинг бошқа шаҳарларида Грузиянинг «Салхино» қўшиқ ва рақс ҳаваскорлар ансамбли ўзининг катта концерт программасини намойиш қилди. Совет артистларининг гастроллари зўр муваффақият билан ўтди ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

(ТАСС).

## ЯҚИН ШАРҚ МУАММОСИ АДОЛАТЛИ ҲАЛ ЭТИЛСИН

ДАМАШҚ. (ТАСС). Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш ва араб халқларининг ажралмас ҳуқуқларини таъминлаш учун БМТ доирасида барча манфаатдор томонлар иштирокида халқаро конференция чақириш зарур, деди Сурия президенти Ҳ. Асад. У Сурияга визит билан келган Франция президенти Ф. Миттеран шарафига ўтказилган қабул маросимида нутқ сўзлаб, босиб олинган барча араб ерларини озод этиш ва араб давлатлари суверенитетини ҳурмат қилиш асосидагина регионда адолатли тинчликни таъминлаш мумкин, деб уқтирди.

Яқин Шарқдаги барча халқларнинг манфаатларини кўзлаб, регионда кескинлик юмшатилишига эришиш зарур, деди Сурия раҳбари. Бироқ Сурия таслимчилик битимларининг натижаси бўладиган ва агрессив кучларга имтиёзлар берадиган тинчликка қаршидир. Ҳ. Асад босиб олинган араб территориясидаги аҳолининг Исроил оккупациясига қарши курашини Сурия халқи бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади, деб таъкидлади.

Ф. Миттеран жавоб нутқида Яқин Шарқ проблемасини бартараф этиш мақсадида БМТ раҳбарлигида халқаро конференция чақирилиши зарур, деган фикрни изҳор қилди.

## КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

### ◆ ТАШҚИ ҚАРЗ КЎПАЙМОҚДА

**Кейинги пайтларда Франция экономикаси ташқи қарзнинг кўпайиб бориши туфайли мушкул аҳволга тушиб қолди Шу йилнинг сўнгги саккиз ойи мобайнида унинг чет мамлакатлардан олган қарзи 65 миллиард франкка етди. Бу ҳақда мамлакат савдо-сотиқ доираларининг газетаси «Эхо» ташвиш билан ёзди. Бундай аҳволга тушиб қолишга асосан Америка доллари сабаб бўлаётганлиги қайд этилади. Чунки, Америка долларининг оширилган айрибошлаш курси Франциянинг молиявий позицияларига кучли зарба бўлиб тушаётир. Негаки, Франция чет эллардаги қарзларининг талайгина қисмини АҚШ валютаси билан олмоқда, деб ёзади газета.**

### ◆ ЧУҚУР ТАНГЛИК

**Ғарбий Берлиндан хабар берилишича, шаҳар маориф системаси шу кунларда чуқур тангликни ўз бошидан кечирмоқда. Бу эса Ғарбий Берлин маъмурларининг ўқув юртлари эҳтиёжлари учун ажратилган маблағларни камайтиришга қаратилган сиёсати натижасида юзага келди. Ғарбий Берлин ўқитувчилари ва илмий ходимлари касаба союзининг раиси Б. Фальбуш шаҳар маъмурияти мактабларда ва гимназияларда жиддий аҳвол юз берганлигини назар-писанд қилмаяпти, деб таъкидлайди. Ҳозир шаҳар мактаблари ва бошқа ўқув юртларида ўқитувчилар етишмай қолди. Бундан ташқари машғулот ўтказилаётган кўпгина бинолар нураш ҳолатида бўлиб, агар улар шошилинч равишда ремонт қилинмаса, кўпдан кўп ҳалокатлар юз бериши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ўқитиш савиясига ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига салбий таъсир ўтказмоқда.**

